



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 18.05.2022 г. № 131

между Bukhara temor и Бухоро шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси на общую сумму 281300000,00

Глава _____ 110
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860064017065100110020

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь	281300000			281300000
Декабрь				
Всего за год	281 300 000,00			281 300 000,00

Всего 281300000,00 сум

Двести восемьдесят один миллион триста тысяч сум 00 тийин

сумма прописью


Из вышеуказанной суммы 84390000,00 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в ноябрь мес. 2022г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

А.Ж.Ахмедов

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Б.Жураев

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____

(подпись)

Получил работник заказчика _____

(подпись)

«___» _____ 20__ г.

«___» _____ 20__ г.

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 131

“18” «май» 2022 йил

Бухоро ш
ВУКНАРА МЕ'МОР _ МЧЖ (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Д.Каримов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи А.Ахмедов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.6. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи” га Бухоро шаҳар Яхудийлар кабристонида тамирлаш ишларини бажариш (кейинги ўринларда - “Хизматлар” деб юритилади) хизмат кўрсатиш, “Буюртмачи” ушбу “Хизматлар”ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. “Хизматлар”нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.
- 1.3. “Хизматлар”ни кўрсатиш муддати 2022 йил “18” “май”дан 2022 йил “30” “*ноябр*” гача амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. “Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. “Бажарувчи”дан “Хизматлар” “Буюртмачи”нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. “Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган “Хизматлар” шунга ўхшаш “Хизматлар” билан алмаштирилишини;
 - “Хизматлар”нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Буюртмачи” ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “Бажарувчи”дан талаб қилиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджет маблағлар доирасида “Бажарувчи” билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи”дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг “Хизматлар”ни кўрсатиш;
- 2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни кун муддатда текин тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ККС билан 281 300 000 сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган “Хизматлар”нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. “Буюртмачи” кўрсатиладиган “Хизматлар” туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорда 2022 йилнинг *ноябр* ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва кўрсатилган “Хизматлар” учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин “Хизматлар” туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорда 2022 йилнинг *ноябр* ойида якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган “Хизматлар” учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида газначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритали. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «18» майдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 8.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган "Бюджет тизими Бюджетларининг Ҳазна ижроси қоидалари 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

БУКНАРА МЕ'МОР МЧЖ

(ижрочининг номи)

Манзил: Бухоро ш Дилкушо куч.

Тел./факс 200-29-29

Х/р: 20208000905302388001

Банк номи : УзСКБ Тукимачи фил.

МФО: 00440 ИНН: 307 891 762

ОКОНХ: 16212

Рахбар _____ Д.К.Каримов

(ИМЗО)



« Буюртмачи »

Бухоро шаҳар ҳокимлиги ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Бухоро шаҳри Гиждувон 12 уй

Тел./факс 224-54-01

ш/х.в 10002286006401706510010020

бюд.маблағ олувчи СТИРи 200856203

ОКОНХ 90290

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғаз./х 23402000300100001010

Банк номи Марказий банк Тошкент ш.

МФО 00014

ғазначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар _____ А.Ахмедов

(ИМЗО)



М.Ў.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Buxoro shahar hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi va "Bukhara me'mor" MCHJ o'rtasida tuzilgan 131-sonli 281 300 000 so'mlik xizmatlar ko'rsayishga (ishlarni bajarishga) oid shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buxoro shahar hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Buxoro shahar yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti



Z.Xasanova
2022 yil